



ОЛОТ НАУОТИ

2020 йил
10 ДЕКАБРЬ
ПАЙШАНБА

№ 30
(4330)

E-mail:
olothayoti3@umail.uz

Халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
577-СОНЛИ
ҚАРОРИ ИЖРОСИ

Шу йилнинг 21 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилоятининг Олот тумани 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни тас-



УЛКАН ИШЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

диқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра туманда 2 триллион 711 миллиард сўмлик 155 та лойиҳа амалга оширилади.

Бугун биз жорий йил бошидан то октябрь ойигача бўлган муддат ичида турли йўналишларда қилинган ишларга назар ташлаймиз. Дастлаб саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида бажарилган ишларга диққатни қаратамиз. Демак, январь-октябрь ойларида умумий қиймати 142,5 млрд. сўмлик (шундан банк кредити 73,2 млрд. сўм) 42 та лойиҳанинг амалга оширилиши ва бунинг эвазига 502 та иш ўринлари яратилишига эришилди. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун эса тижорат банкларининг 73,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда амалга оширилмай қолган айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, умумий қиймати 71,5 млрд. сўм бўлган 5 та лойиҳада 176 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган лойиҳалар маълум сабабларга кўра ўз муддатларида ишга тушмай қолган.

Йўл инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида ҳам ишлар давом этапти. Жумладан, 2020 йилнинг 10 ноябрь ҳолатига: 4Р78 «Олот ш-Ҳамза I-II-насос станцияси» автомобиль йўлининг 18-28 км. қисми тўла таъмирланди.

Ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича туманда 2020-2022 йилларда 4 та объектларда қурилиш, реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ва бунинг натижасида 153,6 млрд. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича бугунги кунда 121,9 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди. Жумладан, туманда ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 456 км. ичимлик

суви тармоқларидан 426,5 км. (93%), 7 донна сув минораларидан 5 донна қурилди. 75330 млн.сўм ўзлаштирилди. Ичимлик суви иншоотларини қуриш бўйича «Двойник» сув олиш ва тозалаш иншоотида жорий йилда 46657 млн.сўм (70%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича жорий йилда 1 та объектда 0,1 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда бу иш амалга оширилди. Туман марказидаги мавжуд 2200 та аҳоли хонадонларида табиий газ таъминотини яхшилаш, етказиб берилган табиий газ ҳажмининг ҳисоб-китобини тўғри юритиш мақсадида ҳар бир хонадонга замонавий, электрон газ ҳисоблаш ускуналари босқичма-босқич ўрнатиш бўйича 2020 йил 10 ноябрь ҳолатида Олот туманидаги 914 та аҳоли истеъмолчиларига замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилди ва амалда 125 млн. сўмлик ишлар бажарилди.

Электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича жорий йилда 3 та объектда 1,95 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди. 0,4-10 кВ.ли электр узатиш тармоқларини реконструкция қилиш бўйича 18,5 км. қисми таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 0,4-10 кВ.ли 18,5 км. электр узатиш тармоқлари тўлиқ реконструкция қилинган ва 740,0 млн. сўм сарфланди. Қолаверса, юклар билан ишлаётган трансформаторларга қўшимча 12 донна трансформатор пунктлари ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, амалда қўшимча трансформатор пунктлари тўла ўрнатилди ва 840 млн.сўм маблағ сарфланди. 04-10 кВ.ли электр узатиш тармоқларини янгидан қуриш бўйича унинг 5,3 км. қисмини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, амалда у янгиланди, 370,0 млн. сўм маблағ сарфланди.

Уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида ҳам иш қизғин. Жорий йилда ушбу йўналиш бўйича 1 та объектда 8,5 млрд.сўмлик 5 та уй-жойлар қуриш ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 5 та уй-жойларда 4,0 млрд.сўмлик ишлар амалга оширилди.

Ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ҳам масъулиятли соҳадир. Жорий йилда ушбу йўналиш бўйича 6 та объектларда 302,9 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 30,4 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди. Жумладан, Олот туманидаги «Тайқир-2» каналини реконструкция қилиш бўйича ПҚ-4565 дастури асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган. Ушбу объектда қурилиш-монтаж ишлари 2020 йил тугалланади. Ҳозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари 2906,6 млн. сўмга бажарилган. Бу—70 фоиз дегани. Шунингдек, «Хўжадавлат» худудидаги «Хўжадавлат» каналининг 3 км. қисмини реконструкция қилиш ва 1 та насос станцияси қуриб, «Лоток» ариғига ташлаш бўйича объект фойдаланишга топширилган. Тумандаги «Жанубий Бирлаштирувчи» коллектори реконструкция қилиниб, объект фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари тумандаги «Бош Қорақўл» хўжалиқлараро коллекторларини тизимли таъмирлаш-тиклаш бўйича 80 фоиз ишлар бажарилган, декабрь ойда фойдаланишга топширилади.

Умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар бажарилди. Туманда 2020-2022 йилларда 6 та объектда қурилиш-реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш, бунинг натижасида 29,4 млрд. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Жорий йилда ушбу йўналиш (Давоми 2-бетда).

10 ДЕКАБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МАДҲИЯСИ КАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

«СЕРҚУЁШ ҲУР ЎЛКАМ...»

Бундан 28 йил олдин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси ана шу сўзлар билан бошланади. Таниқли шоир Абдулла Орипов сўзи, улуғ композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳия ўтган йиллар мобайнида халқимизнинг гурури, ифтихорини ифода этувчи асарга, миллатнинг Бош кўшиғига айланди.

Истиклолимизнинг илк йилларида давлат мадҳиясини яратиш учун танлов эълон қилинган, унда кўплаб шоир ва бастакорлар иштирок этишгани ёдимизда. Фақат Абдулла Орипов шеърига Мутал Бурҳонов басталаган мусиқагина барчага бирдек манзур бўлди, истисносиз

қабул қилинди. Дарҳақиқат, мадҳиямизда халқимиз тарихи, бугуни ва эртаси муҳасамманланган, унинг мусиқаси ҳам халқона ва кўтаринки руҳда басталанган.

Кўёш ҳар тонг уфқдан бош кўтаради, бутун Ўзбекистон бўйлаб тантанавор бир куй, ўктам овоз таралади. Бунаммакатимиз мадҳияси. Ғолиб спортчилар шарафига, олий даражадаги учрашувлар ҳурматида, мактаблардаги илк дарслар дебوحаси сифатида ўзбек мадҳияси янграйди. Мадҳия—ифтихор кўшиғи, истиклол кўшиғи, миллат фахриясидир. Уни қалбга жо этинг, дилга жойланг, тилга кўчиринг. Токи у ҳамиша мағрур жаранглаб турсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИГА БАҒИШЛАБ



МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ЙЎЛИДА

«Сиз Конституцияни биласизми? мавзусида ўтказилган тадбир Олот чегара пости ҳарбий хизматчиларида катта қизиқинг уйғотди. Ҳарбий қисмдаги барча хизматчилар тадбирда фаол иштирок этдилар. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари асосида ташкил этилган «Заковат» интеллектуал ўйини кўпчилигининг диққатини тортди. Савол-жавобларда фаол

иштирок этган Б.Зиёдуллаев, Х.Абдурахмонов, Э.Солиев, Т.Азимов каби ҳарбий хизматчилар маънавият ва маърифат соҳаси аълочилари сифатида эътироф этилиб, совғалар билан тақдирландилар.

Миллий армиямизнинг жангговор тайёргарлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларни маънан етук қилиб тарбиялашда бу каби тадбирлар алоҳида ўрин тутади.

Камол АБДИКАРИМОВ,
ҳарбий хизматчи.

НУРОНИЙЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Тумандаги маҳаллалар фаоллари, оқсоқоллар, маслаҳатчилар қатнашган йиғилишни туман нурунийлар жамоатчилиқ кенгаши раиси Саидқули Оққиев очди. Тадбирда туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Чинни Қувондиқова, туман бош имом-хатиби Комилжон Мавлонов, туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳақими Шердил Тойиров, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими мутахассиси Илҳом Авезов, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими етакчи мутахассиси Нарзулло Неъматов, республика Маънавият ва

маърифат маркази туман бўлими раҳбари Феруз Қурбоновлар сўзга чиқдилар.

Нотиклар «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» дастурларининг ижросини таъминлаш, ўзаро меҳроқибат, ҳамжихатликни янада кучайтириш, ҳашарлар ўтказиш ҳақида гапирдилар. Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳақида тўхталдилар. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Тадбирда Ҳаким Қутлиев, Ҳамро Мўминов, Дилмурод Янгиев каби нурунийлар ҳам сўзга чиқиб, бу кунларга шукроналар айтдилар.

Жўра ҲАМРОЕВ,
туман халқ таълими бўлими нурунийлар кенгаши раиси.

МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ХУЛОСАЛАР



Жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролени ошириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири. Шу боис, сўнги пайтларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар рўйхати шакллантирилган «Темир дафтар»лар замирида алоҳида «Ёшлар дафтери» ва «Аёллар дафтери» ҳам жорий этилди. Бундан мақсад—аёллар ва ёшларга янада кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Йил якунида 2-секторда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айнан ушбу йўналишлар ҳам диққатимиз марказида турганлиги аён бўлади. Маълумки, фуқаронинг муаммоси кўпроқ сайёр қабуллар пайтида юзага қалқиб чиқади, чунки, халқимиз сабрли ва шукронали, у ҳуда-беҳудага шикоятбозлик қилавермайди. Фақат сайёр қабулларда фуқаро ўз муаммосини айтиб, ёрдам сўрайди. Чунончи, ноябрь ойида ўтказилган сайёр қабулда аҳолининг энг долзарб муаммоларини аниқлаш, уларни тезкор ҳал этишга эътиборни қаратдик. Жумладан, ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси таъминотини янада яхшилаш, ички йўллари таъмирлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифаларни қисқа муддатларда ҳал этиш бугунги кун талабидир.

Жойларда аҳоли вакиллари билан ўтказиладиган учрашувларда ҳам қўллаб муаммолар аниқланиб, уларга ечим изланади. Масалан, сектор раҳбарияти ва штаб аъзолари ҳамкорлигида Ёшботир МФЙ ҳудуди, Буюк ипак йўли кўчасидаги қурилиб фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизими ҳамда ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганилиб, бу борада тегишли тавсиялар берилди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш борасида сўнги пайтларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда аҳоли билан юзма-юз учрашиш,

халқ дардига қулоқ солиш яхши самаралар беради. Чунончи, Баландмачит ва Давлатбой маҳаллаларида ўтказилган учрашувларни санаб ўтиш кифоя. Сектор ҳудудига қарашли ушбу маҳаллаларда ҳам аҳоли муаммолари чуқур ўрганилиб, уларнинг аксариятини жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Масалан, Баландмачит МФЙда яшовчи фуқаро Чўлли Хусенов ҳудуддаги электр энергияси манбаларини катта кучланишга мослаштирилган бетон таянч билан таъминлашда ёрдам сўради. Шу маҳалла фуқароси Сафоқул Жумаев турмуш ўртоғи Нилуфар Яхшиевани кўзи ожизлиги туфайли ногиронликка чиқариш борасида ёрдамга муҳтожлигини айтди. Баландмачитлик яна бир фуқаро, иккинчи гуруҳ ногирони Мақсуд Имомов ўз ҳовлисида жойлашган, юқори кучланишга мослашган бетон таянчни кўчиришни ва оиласи иқтисодини яхшилаш учун имтиёзли кредит олишда кўмаклашишни сўраб мурожаат қилди. Ушбу маҳалла фуқароларидан Азим Каримов ички йўллари текислашда техника воситалари зарурлигини таъкидлаган бўлса, фуқаро Исроил Мирзаев шу йил 27 апрелдаги табиий офатдан иссиқхонаси зарар кўрганлигини айтиб, ушбу зарарни қоплаш учун ёрдам сўради. Фуқаро Мевагул Жумаева субсидия асосида иссиқхона қуриш нияти борлигини баён этди. Ушбу мурожаатлар тегишли мутасадди ташкилотларга юборилиб, ижроси назоратга олинди.

«Аёллар дафтери» ва «Ёшлар дафтери»га киритилган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш жараёнларида жойларда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам алоҳида ўрин тутди. Чунончи, шу йилнинг 4 декабрида Олот касб-хунар мактабида ўтказилган ана шундай тадбир фикримиз далилидир. Ушбу ярмаркада 2-сектор кесимида жойлаш-

ган 10 та маҳалла фуқаролари йиғинларида яшовчи ишсиз фуқаролар иштирок этдилар. Шу кунни туман ҳудудидаги 8 та қорхона ва ташкилот ўзининг 185 та бўш ишчи ўрнини тавсия этди, 70 нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар ўзларига маъқул ишни танлаш имконияти эга бўлдилар. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари шу кунни 10 нафар фуқарога турли соҳалар бўйича ишга йўлланма бердилар. 30 нафар фуқарога касб-хунарга ўқиш имконияти яратилди, айримларига жамоат ишларида қатнашиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар берилди. Ярмаркада 25 нафар фуқаро меъёрий ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Сектор ҳудудида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ҳам аниқ режалар асосида иш олиб борилмоқда. Биз мақола аввалида Буюк ипак йўли кўчасидаги кўп қаватли уйлар мисолида ушбу масалага қисман тўхталгандик. Қолбуки, бу каби ўрганишлар, учрашувлар сектор ҳудудида жойлашган ҳар бир ташкилот, қорхона, муассаса ва аҳоли хонадонларида ўтказилмоқда. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати, биноларнинг ички иссиқлик тизими, ойна ва эшикларнинг иссиқликни сақлаши, том ва деворларнинг таъмирланганлик даражаси—буларнинг бари чуқур ўрганилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Мақсадимиз—халқимизни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини қишдан эсон-омон олиб чиқиш, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлашдир. Муҳтарам Президентимиз олиб бораётган халқпарвар сиёсат замирида ҳам аслида ана шу эзгу мақсадлар ётибди.

М. МУҲАММЕДОВ,

туман прокурори, 2-сектор раҳбари.

(Боши 1-бетда).

бўйича 1 та объектда 2,0 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган эди, ҳозирда 0,1 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди. Яъни, тумандаги 18-сон мактабни реконструкция қилиш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилган, бу ишлар учун 1077,0 млн. сўм маблағ сарфланган.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 4 та объектда 3,7 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар белгиланган ишлар бажарилмай келмоқда. Жумладан, бирлашмага қарашли 30-сон қишлоқ

бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 26 сентябрдаги 501-сонли «Бухоро муҳандислик технология институтига собиқ Олот саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи бино ва иншоотларини туман халқ таълими бўлимига ўтказиб бериш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Буйруқ асосида бино ва иншоотларни 31-сон давлат умумтаълим мактаб-интернатида топшириш тўғрисидаги 2020 йил 20 октябрда далолатнома имзоланди. Туман ҳокимининг оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериш бўйича қарори қабул қилинди.

Туманда тадбиркорликни янада ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида қўшимча равишда қиймати 20

млн. АҚШ долларига тенг бўлган 1 та йирик лойиҳа аниқланган.

Бундан ташқари, «Ўзтрансгаз» АЖнинг ҳамда «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан Олот божхона комплексига туташ ҳудудда жорий йил якунига қадар янги юқори босимли газ тарқатиш пунктини қуриш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланган қарорда Ўзбекистон Республикаси фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Олот тумани ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир маҳаллада деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантириш тавсия этилган эди. Бунда аҳоли учун қулай жойдаги, бироқ фойдаланишдан чиққан ерларни ҳар бир талабгор ва экин тури бўйича тақсимлаб, уларни кооперацияларга бириктириш назарда тутилади. Аммо ушбу банд бажарилмасдан қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 577-қарори Олот туманини ҳар томонлама ривожлантиришни назарда тутган. Мақола давомида санаб ўтилган ишлар эса—улкан жараённинг кичик бир қисми, холос. Ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп, бу йўлда барча куч ва имкониятлар ишга солинса, кўзланган натижага эришилади. Ушбу қарор—ноёб тарихий ҳужжат бўлиб, муайян бир ҳудудни бевосита давлат ҳомийлигида ривожлантириш ҳоллари камдан-кам учрайдиган ҳодиса, бизга муҳтарам Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан кўрсатилган улкан ғамхўрлик ҳисобланади. Буни қадрлашимиз ва ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланишимиз лозим.

Б. ПИРРИЕВ,

туман ҳокимлиги иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари.

УЛКАН ИШЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

оилавий поликлиникаси ва тез ёрдам шохобчасини янгидан қуриш, марказий касалхона физиотерапия бўлимига 6 та хонадан иборат қўшимча бино қуриш, марказий касалхона бўлимига, қишлоқ оилавий поликлиникаси ва қишлоқ врачлик пунктларига физиотерапия аппаратларини сотиб олиш, бирлашмага канализация чиқиндиларини ташиб чиқиш учун 6 тонна сифимли автомашина (ассенизатор) сотиб олиш ишлари бажарилгани йўқ.

Маданият объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича жорий йилда 2 та объектда 9,2 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда туман марказида жойлашган «Хумо» маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Аммо, туман маданият бўлимига қарашли марказларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича маблағ ажратилмаган.

Бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича жорий йилда 4 та объектларда 29,3 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 2 та объектда 8,1 млрд. сўмлик ишлар бажарилди. Жумладан, «Олот Деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятига қарашли деҳқон бозорини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Туман марказида тадбиркорлик объектларини қуриш бўйича 12 та тадбиркорлик субъектларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 2 та лойиҳада маблағ ажратилмаганлиги сабабли қурилиш ишлари бошланмаган. Булар «Маърифат» МФЙ ҳудудида жойлашган туман ҳокимлигининг 4 қаватли ётоқхона биносини реконструкция қилиш ва тумандаги ўз биносига эга бўлмаган 21 та МФЙларга намунали лойиҳа асосида янги бино қуриш ишларидир.

Касб-хунарга ўқитиш йўналиши бўйича туманда 2020-2022 йилларда 276 нафар ишсизларни касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 22 нафар ишсизлар касб-хунарга ўқитилди.

Қарорнинг матнида кўрсатилган топшириқлар бўйича ҳам

КУЧЛИ ИРОДА СОҲИБАСИ

Ора мизда шундай инсонлар борки, улар умр сўқмоқларида қанчалик қўқилмасин, барибир яна туриб олишга ўзида куч топа олади. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қизимиз Шабнам Хусенова 2003 йил 16 июлда Бўстон маҳалласида таваллуд топган. У ёшлигидан китобга меҳр қўйди. Бошланғич синфни аъло баҳоларга ўқиди. Тасодифан, ҳар соҳада илғор, тиришқоқ Шабнамнинг саломатлиги ёмонлаша бошлади. Яхшиямки, атрофида доимо парвона меҳрибонлари бор. У ота-онаси ва шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан оғир хасталикни енгиб ўтди. Унинг илм олишга иштиёқи шу қадар кучли бўлганидан уйда таълим ола бошлади. Жажжи юрагида адабиётга, шеърятга ҳавас уйғонди. Турли хил мавзуларда шеърлар ёза бошлади. Уз устида мунтазам ишлаши, маълум бир мақсад сари интилиши бесама қетмади. Уй синфида 5-, 11-синфгача ўқиди. Жорий йил у Бухоро давлат университетига грант асосида талабалikka қабул қилинди.

Шабнам иккинчи гуруҳ ногирони бўлса ҳам тушкунликка тушмади. У ўзининг сабри, иродаси, бахтли яшашга интилиши билан кўпчиликка ибрат бўла олди. Шабнамнинг орзулари ҳали бисёр. У университетнинг бакалавр босқичини муваффақиятли якунлаб, магистратурада ўқишни давом эттиришни ният қилган. Яхши умидлар билан ташлаган дадил қадаминг муборак бўлсин, Шабнам!

Муаззам ТўРАЕВА.

2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Коррупцияга қарши курашишда аввало ушбу атаманинг моҳиятини англаб олиш лозим. Коррупция нима? Кўпчилик коррупция сўзини тор маънода, яъни, мансабдор шахсларнинг ўз мансаб мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб содир этишадиган порахўрлик билан боғлиқ қилмишларини тушунилади. Миллий қонунчилигимизда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни 3-моддасида коррупцияга қуйидагича таъриф берилган:

КОРРУПЦИЯ- ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

Коррупция—шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши. Демак, кенг маънода коррупция деганда бу мансабдор шахс ёки давлат хизматчиларининг нафақат порахўрлик жиноятларига оид қилмишлари, балки, ўзларининг мансаб ёхуд хизмат мавқеини суистеъмол қилиб шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида сиёсий ҳомийлик, маҳаллийчилик, «таниш-билиш»чилик, уруғ-аймоқчиликка йўл қўйишлари ҳам назарда тутилади.

Коррупция чегара билмайди. Унга қарши курашишни жаҳон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда 2008 йилда БМТнинг «Коррупцияга қарши Конвенцияси» ратификация қилинди. Шунингдек, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши Конвенцияси»га Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, 2010 йил март ойида Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилди. 2017 йил 3 январда УРҚ-419-сон Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилингани бу йўлда муҳим қадам бўлди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, 2017 йил 2 февралда Президентнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сон қарори эълон қилиниб, унда 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат Дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идораларо комиссия таркиби ва Низоми тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:
Бош прокуратура;
Давлат хавфсизлик хизмати;
Ички ишлар вазирлиги;
Адлия вазирлиги;
Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.
Давлат органларининг ходимлари уларни

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади.

Кенг аҳоли ўртасида ҳам коррупцияга қарши қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизликни шакллантириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш каби чора-тадбирлар орқали қонун устуворлигини таъминлаш кун тартибидеги асосий вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун аҳоли орасида фаол ҳуқуқий тарғибот амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши ҳар ким ҳар доим курашиши, бу иллатнинг жамиятга, тараққиётга ва хавфсизликка катта таҳдид эканини ҳар бир онгли инсон чуқур англаши лозим. Олиб борилган илмий изланишларга қараганда, коррупция ривожланган жамиятларда унинг қуйидаги турлари тез-тез учрайди:

маиший коррупция, асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашади;
ишбилармонлик коррупцияси, бу ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнесмен)лари билан муносабатларида учрайди;
ишбилармонлик коррупцияси, бу ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнесмен)лари билан муносабатларида учрайди;
маиший коррупция, асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашади;

Оқридагилардан келиб чиқиб коррупциянинг давлатга ва жамиятга етказадиган қуйидаги зарарларини санаб ўтиш мумкин:

биринчидан, инсоният ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган демократия ва демократик институтларнинг мустаҳкамланишига салбий таъсир қилади, яъни уларга жиддий путур етказилади;
иккинчидан, жамият тараққиёти учун энг муҳим омил—тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади ва кенг жамоатчиликда уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ишонччи сўндиради.

учинчидан, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, соғлом рақобатнинг бозордан сиқиб чиқарилиши, яширин иқтисоднинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратлади.

тўртинчидан, жамиятда носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг шаклланишига сабаб бўлиб, демократик давлатнинг энг муҳим ҳуқуқий принципларининг бузилишига олиб келади. Ва бундай салбий оқибатларнинг яна қанчасини санаб ўтиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, коррупция—жамият тараққиёти йўлидаги улкан тўсиқ бўлиб, унга қарши курашиш ҳар бир онгли фуқаронинг бурчидир.

И. ЧҲЛЛИЕВ,
туман адлия бўлими бошлиғи.

ЁНГИН-КУТИЛМАГАН ФАЛОКАТ

Туманимиз ҳудудида ёнгинларнинг олдини олиш борасида кўп-кўп ташкилий-амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, барча ишлаб чиқариш корхоналарида, аҳоли турар жойларида, мактаб ва боғчаларда, ўқув муассасаларида, автомобил транспорт корхоналарида, стратегик аҳамиятга эга бўлган муассасаларда, нефть маҳсулотлари сақланадиган масканларда фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёнгин деган фалокатни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Бироқ буни баъзилар тушуниб етмайптилар. Масалан, аҳоли турар биноларида оддийгина газдан фойдаланиш хавфсизлиги чораларига риоя этилмаяпти. Уйда ўрнатилган носоз дудбуронлар, резина шланглардан фойдаланаётганлар учраб турибди. Иситиш печларининг мўрилари эскириб қолган, электр тармоқларининг баъзи бир жойларида ҳимоя қоплами очилиб қолган, носоз электр мосламаларидан фойдаланилмоқда. Ёш болалар уйда қаровсиз қолдириб кетилмоқда, ўчмай қолган сигареталар ва шунга ўхшаш ёнгинга хавфли бўлган ҳатти-ҳаракатлар оқибатида ёнгинлар келиб чиқмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ёнгинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган бир қатор камчиликлар кузатилаётган. Масалан, корхона биноларида ўрнатилган ёнгинга қарши сув қувурлари ва ундаги сув босимининг меъёрида эмаслиги, ёнгин ўчириш экипажларининг кириш йўллари бекилиб қолганлиги, электр механизмларининг носозлиги оқибатида ёнгинлар келиб чиқмоқда.

Мана шундай камчиликлар юртдошларимиз, ташкилотларнинг мутасадди ходимлари томонидан назоратга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ж. ОДИЛОВ,
туман ФВБ бошлиғи, подполковник.

Ботулизм-одам ва ҳайвонлар, айрим сут эмизувчиларда учрайдиган ўткир юқумли касаллик. Ботулизм кўзгатувчилари табиатда кенг тарқалган бўлиб, чидамли (спорали) ва чидамсиз (вегетатив) хиллари учрайди. Споралари (кўзгатувчилари) ташқи муҳитда йиллаб сақланиши мумкин. Споралар тупроқдан сув, мева, сабзавот, озиқ-овқат, ем-хашакка ўтади, кейин одам ва ҳайвонлар ичагига тушиб, сўнгра нажас билан ер юзига тарқалади.

Ботулизм микроби фақат анаэроб (ҳавосиз) шароитда ривожланади. Шу сабабдан консерва қилинган, тузланган, дудланган маҳсулотлар ва колбасага тушиб қолган споралар анаэроб шароитда ўсиб, вегетатив шакл (бактериялар)га айланади. Улар ана шу шароитда кучли заҳар (экзотоксин) ҳосил қилади. Бу маҳсулотни истеъмол қилган одам касал бўлади. Ботулизм токсини ичақда тез сўрилади, қонга ўтади ва бутун организмга тарқалиб, асосан, асаб тизимини зарарлайди. Касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг боши оғрийди, тин-

ХАЛҚ КАБУЛХОНАСИ

Халқ қабулхоналари ташаббуси билан ташкил қилинаётган сайёр қабуллар фуқароларнинг корхона ва ташкилот раҳбарларини излаб овора бўлишлари, ортиқча маблағ ва вақт сарфлашлари олдини олмақда. Бир сўз билан айтганда бу билан халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилаётганлигини амалда кўришимиз мумкин.

Сайёр қабулларда аҳоли томонидан ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотлари йўқлиги ва ота-оналар фарзандларини боғчаларга қўйиш муаммолари борасида мурожаатлар кўп тушмоқда. Шу боис бунга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Республикамизнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланмиш, юз мингга яқин аҳолиси бўлган Олот туманида 7633 нафар мактабгача таълим ёшидаги болалар мавжуд. Шундан 2648 нафари (34,7%) мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган. Туман бўйича 12 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 1 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ва 38 та давлат хусусий шерикчилик асосида нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд.

Биргина Дилкор маҳалла фуқаролар йиғинида 300 нафардан ортик мактабгача таълим ёшидаги болалар мавжуд. Шулардан бор-йўғи 52 нафари (МФЙ ҳудудида мактабгача таълим ташкилоти бўлмаганлиги сабабли) бошқа МФЙ ҳудудидаги ва туман марказидаги мактабгача таълим ташкилотларига жалб қилинган, холос.

2019 йил май ойида вилоят ҳокими, 1-сектор раҳбарининг Олот туман аҳолиси учун ташкил қилинган оммавий сайёр қабулида Дилкор МФЙда яшовчи фуқаро Шарофат Маматова МФЙ ҳудудида давлат мактабгача таълим ташкилоти қуришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди ҳамда 2020 йил вилоят ҳокимлигининг маҳаллий бюджетидан маблағ ажратилиб, бу ерда 75 ўринли мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилиши бошланган.

Шунингдек, тумандаги нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил қилиш борасидаги бир қатор му-

АҲОЛИ УЧУН ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРДАН БИРИ

аммолар ҳам ижобий ҳал қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан 2020 йил 9 октябр куни Жондор туманида Олот, Қорақўл ва Жондор туманлари аҳолиси учун оммавий сайёр қабул ўтказилди. Унда Олот тумани Бунёдор МФЙда яшовчи фуқаро Мавлуда Авлиёқулова хонадонидан давлат хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш бўйича Мактабгача таълим вазирлигидан битим имзоланишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бу мурожаат Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигида кўриб чиқилиб, 25 ўринли оилавий мактабгача таълим ташкилоти учун битим имзолаб берилган. Бундан ташқари давлат инвестиция дастурлари асосида Эски Олот МФЙ ва Пахтакор МФЙ ҳудудидаги собиқ мактабгача таълим ташкилотлари капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Туманимизда жорий йилда ишга тушиши кутилаётган мактабгача таълим ташкилотлари ҳисобига бор-йўғи 300 нафарга яқин мактабгача таълим ёшидаги болалар қамраб олинмиши мумкин. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қолган қисми, яъни 60 фоиздан ортиғи мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинмасдан қолмоқда.

Назаримизда, муаммонинг ечими маҳаллаларнинг ўзида. Ҳудудлардан тадбиркор, ташаббускор инсонлар ўзлари яшаб турган ҳудудда оилавий мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишса эди, бу янги иш ўринлари, қўшимча даромад манбаларининг юзага келишига олиб келарди. Энг муҳими, кичкинтойлар боғчаларга тортилиб, маълум бир билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳолда мактабга йўл олишарди.

М. БАРАКАЕВ,
туман Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.

БОТУЛИЗМ КАСАЛЛИГИ

каси қурийд, кўзи тинади, лоҳасланади, кўнгли айниб, қусад, қорни оғрийди, оғзи қурийд, ташна бўлади, кўпинча қабзият кузатилади. Кейинчалик боши айланади, кўз хиралашади, қовоқлар салқийди, бемор равон гапира олмайди, ютиш, нафас олиш фаолияти бузилади. Юрак ва нафас марказлари фалажланиши туфайли ўлим содир бўлиши мумкин. Бемор фақат касалхонада даволанади. Замонавий таъбиқ усуллари: ботулизмга қарши зардоб, сунъий нафас олдириш аппаратларини ўз вақтида қўллаш яхши наф беради.

Касалликнинг олдини олиш учун консерва тайёрлаш қонунқоидаларига қатъий амал қилиш керак. Уй шароитида консерва тайёрлашда санитария талабларини ўрнига қўйиш талаб этилади.

Й. ЁРИЕВ,
туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоа саломатлиги бўлими санитария вақили.

«Тошкент-Қўнғирот» поезди билан Қорақўлпоғистон Республикаси Нукус шаҳрига кетиш учун Бухоро темир йўл вокзалига келганлар орасида Юсупов Ражаб Турсунович (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилди) ҳам бор эди. Шу ерда унинг

ЎҒРИ ҚҲЛГА ТУШДИ

«Emachines» русумли планшети йўқолиб қолди, у дарҳол ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ўғри тезда топилди: у 1974 йилда туғилган, ҳозирда Нукус шаҳри, Кок-озек кўчасида яшовчи Жўраев Саид Ғаниевич бўлиб чиқди.

Айбдорга нисбатан жиноят иши кўзгатилади, ҳақиқат қарор топди.
Ш. ТАХИРОВ,
вилоят ИИБ транспортда ҲТБ ЖҚБ катта тезкор вақили, майор.

СТАТИСТИКА

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

2020 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 710-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди.

даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олишдир.

—аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар тайёрлаш;

Н. ЖУМАЕВ,

туман статистика бўлими бошлиғи.

АСАБИНГИЗНИ АСРАНГ

Психоземotional зўриқиш (стресс)юракнинг ишемик касаллиги, қон босими ошиши, атеросклероз, неврозлар, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги, ўсма шишлар, қандли диабет, тиреотоксикоз ва шунга ўхшаш кўплаб касалликларга олиб келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, касалликларнинг 70 фоизи эмоционал бузилишлар, яъни стресс ҳолатлари билан боғлиқ экан.

Донолардан бири, «Агар сен вазиятни ўзгартира олмасанг, вазиятга нисбатан ўз муносабатингни ўзгартир», деб таъкидлаган экан.

Шундай экан, асабларингизни дам олдинг:

—уни эстрада куйларидан, уларнинг оғир, тез темпда ёзилган оҳангларидан асранг;

—қўрқинчли, жангари кинолар ва кўрсатувларни кўришдан сақланг;

—ҳар хил оилавий, жамоа низоларига аралашманг, ҳаттоки уларни таҳлил қилишга киришманг;

—классик куйларни қанча кўп тингласангиз бош миангизнинг ўнг қисми шунчалик ўз иш фаолиятини кучайтиради.

—кушларнинг сайрашига, дарахт барглари, ариқда оқаётган сув шивирлашига эътиборингизни қаратинг.

Бугунги кун келажакда қатор-қатор келадиган кунларнинг биридир, лекин бу кунлар айна дамдаги қиладиган ҳаракатингиз, хулқ-атворингизга боғлиқдир...

Дилфуза ЖҰРАЕВА,

25-мактаб инглиз тили фани ўқитувчиси.

«ОЛОТ ҲАЁТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

2021 йил учун «Олот ҳаёти» газетасига обуна давом этмоқда.

Обунанинг йиллик нархи қуйидагича:

«Олот ҳаёти» таҳририятида 220 000 сўм.

«Матбуот тарқатувчи»да 283 500 сўм.

Туман почта бўлимида 283 500 сўм.

«Олот ҳаёти» ҳисоб рақами:

20208000104037790001.

Олот «Агробанк», МФО-00090.

ИНН: 201365759

Келгуси йил газетада муштарийлар севган ранг-баранг мақола, шеър ва ҳикоялар, мунажжимлар башорати бериб борилади.

«Олот ҳаёти» сизнинг газетангиз,

унга обуна бўлишни унутманг.

«ОЛОТ НАҲОТИ»

Муассислар:

халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Муҳаррир:

Ҳайдар БОЗОРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Олот шаҳри, Олот кўчаси, 73-уй.

Тел: 34-21-072.

Газета Бухоро вилояти матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси томонидан 2011 йил 30 декабрда 05-052 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 3024.

Газета офсет усулида А-3 форматда босилди. Ҳажми 1 босма табоқ.

Нусхаси 503

Газета «Олот ҳаёти» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газета ҳафтада бир марта чиқади.

Бунюртма

Газета Бухоро шаҳар

Иброҳим Мўминов

кўчаси, 27-уй.

«Бухоро вилоят

босмаҳонаси» МЧЖда

чоп этилди.

Тел: (065) 223-25-38.

ISSN 2181-5593

Таҳририят ҳажми 2-3 қоғоздан зиёд материалларни қабул қилмайди, қўлёзмалар қайтарилмайди, Нашр сифати учун босмаҳона жавобгар. (t)-тижорат мақола.

Навбатчи А. ҲАМРОЕВ ■ Саҳифаловчи Э. ЖУМАЕВА ■ Баҳоси келишилган нархда ■ Босишга топшириш вақти: 17-00 ■ Топширилди: 14-00

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ

ПОМИДОР БУЖМАЙИШИ КАСАЛЛИГИ

Помидор мевасининг жигарранг бужмайиш вирусли касаллиги илк бор 2015 йилда Йорданияда топилган.

Вируснинг асосий ташувчилари помидор ва қалампирдир. Жигарранг бужмайиш вирусли касаллиги механик равишда асбоблар, кийим-кечаклар, қалампир ва помидор уруғларидан тарқалиши мумкин.

Усимлик бу касалликка чалинганда ҳосилдорлигини камайтиради. Ривожланиши пасайиб, бошқа касалликларга чалиниш хавфи ортади.

Вирус билан зарарланган

ўсимликда касаллик белгилари тезда намоён бўлмайди. Касаллик белгилари намоён бўлиши ўсимликларнинг турига ва навига ҳамда шароитга боғлиқ бўлади.

эпидемияларига қарши курашда санитария-гигиена амалиёти муҳимдир. Вирус нарсалар юзасида узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин.

Ш. ШАБАНОВ,

Д. МУХАМЕДОВ,

вилоят ТИФ ўсимликлар карантини чегара маскани инспекторлари.

ПОМИДОРНИНГ ЮҚОРИДАН ЧИРИШИ

Помидорнинг юқоридан чириши касаллиги кўк меваларнинг юқори қисмида энгил ботиқ кўкимтир доғлар кўринишида намоён бўлади.

сифатини сақлаб қолиш учун қуйидаги кураш чораларини қўллаш керак.

ри билан илдиздан ташқари кўк қисмлари орқали озиклантирилиши (пуркалиши) меваларнинг юқоридан чиришини камайтириб, ҳосилдорлигини оширади.

Б. РЎЗИЕВ,

Н. РАҲМАТОВ,

Ш. ҚУЛЛИЕВ,

Хўжадават ўсимликлар карантини чегара маскани агроном-инспекторлари.

ФИТОФТОРОЗ

Фитофтороз—замбуруғ касаллиги бўлиб, кўпинча иссиқхоналарда янги ўтқазилган кўчатларда учраб туради.

Ун шудринг—бодринг ўсимликларида кенг тарқалган касаллик. Иссиқхоналарда ҳароратнинг тез-тез ўзгариши ва ҳаво намлигининг меъёридан юқори бўлиши ушбу замбуруғ касаллиги ривожланиши учун қулай шароит яратади.

тин, беномил, омайт ва бошқа шунга ўхшаш препаратларни пуркаш керак.

Н. АБДУЛЛАЕВ,


Р. ЯНГИЕВ,

Олот ўсимликлар карантини чегара маскани агроном-инспекторлари.

ШЕЪРИЯТ БУРЧАГИ

УСТОЗЛАР

Бошимизни силаган Бизга оқ йўл тилаган, Она бўлиб сийлаган Устозларимга раҳмат.



Меҳри чексиз, бир жаҳон Устозларимга раҳмат.

Йўлдошбек АСАДОВ, 25-мактаб 5-«Б» синф ўқувчиси.

МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2019 йил 26 январда вафот этган Дурмаматов Ражаббой Ҳамроевичнинг мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг меросхўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.